

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГ КАДРЛАР  
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Республика илмий-амалий конференцияси  
илмий мақолалар тўплами**

*Термиз-2020*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ ПСИХОЛОГ КАДРЛАР  
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

**мавзусидаги илмий-амалий анжуман**

**МАТЕРИАЛЛАРИ  
2020 йил 12-13- май**

**МАТЕРИАЛЫ  
научно-практической конференции по теме:  
“УЛУЧШЕНИЕ СИСТЕМЫ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ  
В ОБЛАСТИ ПРАКТИЧЕСКОЙ ПСИХОЛОГИИ В УЗБЕКИСТАНЕ:  
ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ ”  
12-13 мая 2020 год**



Термиз -2020

Яъни, ўқитувчи фаолияти доимо куйидаги дидактик масалаларни ечишга қаратилади: “нимани ўқитиш керак?”, “кимни ўқитиш керак?” ва “қандай ўқитиш керак?”. Бу саволларга тўғри эчим топиш, у ёки бу вазиятлардан педагогик мақсадга мувофиқ ёъл топа олиш ўқитувчидан юксак маҳорат ва чуқур касбий билимни талаб этади. Дарс – педагогик жараённинг устахонаси. Бу устахонада маълумотлар баён этилади, идрок қилинади, ахборотлар ўзлаштирилади, билим, кўникма, малакалар назорат қилиниб баҳоланади. Хуллас дарсда ўргатиш, этказиб бериш, бажариш, қўлга киритиш, ҳаётга қўллаш кўникмалари шакллантирилади. Бунда ўқитувчи муҳим вазифани амалга оширади – ўқувчиларни билим олишга ёъналтирилади, жалб қилади ва уларни билмасликдан билишгача, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг оддийсидан мураккабигача билиш сари олға ҳаракатлантиради. Бу эса ўқитувчидан касбий тайёргарлик ва компетентликни талаб этиб, унинг назарий, амалий ва методик қуролланганлигига боғлиқ бўлиб қолади. Ҳозирда тадқиқот муаммосига оид изланишлар яъни, мактаб ўқитувчисининг касбий компетентлиги масаласи таҳлил этилган илмий адабиётлар мавжуд. Масалан, Усанова О.Н., Морозова Н.Ю. лар томонидан ўқувчиларга параллел хизматлар кўринишидаги турли ташкилий тизимлар мажмуи яратилиши, Битянов М.Р., Хуторная М.А. ва Коновалова Н.Л. лар томонидан тиббий–ижтимоий ва психологик-педагогик махсус марказларнинг барпо этилиши қабилар фикримизга далилдир. Дубровина И.В., Овчарова Р.В., Махноветс С.Н., Буланова О.Э., Шулга Т.И. томонидан турли ёш гуруҳларини ташкил этувчи ўқувчилар билан ўқув машғулотларини ташкил этиш маҳоратини шакллантириш тамойиллари тезкорлик билан ишлаб чиқилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Давлетшин М.Г. Умумий психология. Т., 2004.
2. Давлетшин М.Г., С.М.Тўйчиева. Умумий психология. Т., 2002.
3. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - М., 2001.
4. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 2002.
5. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1997. Б. 22.
6. Педагогик маҳорат. Аҳмеджанов М.М., Хўжаев Б.Қ. ва бошқ. Ўқув қўлланма. Тошкент - 2010.
7. Хўжаев Б.Қ., Олимова Д.И. Педагогик маҳорат фанидан маърузалар матни. Бухоро – 2005.
13. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Т. “Ўқитувчи”. 1999 й
8. Ғозиев Э.Ғ. Талабалар психологияси.Т.1992 й
9. Ғозиев Э.Ғ. Ўтанов Б. Ҳамкорлик психологияси. Т. 1992 й.
10. Ғозиев Э.Ғ. Педагогик психология асослари.Т. 1995 й.
11. Самаров Р., Садриддинов С. Психика ва онг: антропологик талқиннинг назарий–психологик баёни // *Psixologiya* 4 (28) – сон. 2017. 20-25– бетлар. – Бухоро: БухДУ.

### **ЎСМИРЛАРНИ МУЛОҚОТГА ЎРГАТИШДА ЎЙИН ВА МАШҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

*БухДУ катта ўқитувчи Ҳудойкулова Г.Б*

Ўсмирларнинг жамиятда ҳамкорликдаги фаолиятлари жараёнида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-ғуйғулар, кечинмалар, турли хил хулқ-атвор шакллари, ҳар бир шахснинг жамиятда яшashi унинг социал нормаларга риоя

қилган ҳолда ўзига ўхшаш одамлар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг табиатини ва қонуниятларини тушунтириб беришда психологик тренинг катта аҳамиятга эга.

Биринчидан, ўзбек халқи ва Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакилларида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган муомала маданияти, одоб-ахлоққа алоқадор фазилатлар ва қадриятлар борки, улар дунё цивилизацияси доирасида жуда юқори баҳоланиб келинмоқда. Лекин, ана шу олижаноб инсоний муносабатларда айрим жиҳатлар борки, улар айнан социал психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказишда ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Масалан, ўзгалар фикрига эргашиш, шахс ёши ва ҳаётий тажрибасини, жамиятдаги обрў-эътиборни ҳар қандай шароитда ҳам ҳисобга олиш, танқид ёки ўзини танқид қилишда юз-хотирлик фазилатлари, ўз ҳиссий кечинмаларини ўзгалар олдида очиқ-ойдин изҳор қилмаслик, Европа стандартлари бўйича социал психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказишга монелик қилиши мумкин. Иккинчидан, халқнинг, айниқса, ёшларнинг янгиларга интилувчанлиги, янги инновацион технологиялар, хорижий тилларни ўрганишга интилувчанлиги ва бу борадаги ёшлар иқтидорини ҳисобга оладиган бўлсак, уларда жаҳон талаблари даражасида тренингларни фақат ёшлар аудиториясида ташкил этиш мақсадга мувофиқмикин, деган табиий савол пайдо бўлади.

Маълумки, янгилар доимо айрим қийинчиликлар ва кишилар онгидаги тўсиқлардан ўтиб, ҳаётда ўз аксини топади. Социал психологик тренингнинг шахс тарбияси, унинг социал вазиятларга тўғри мослашиши, мулоқот маданияти ва техникасининг ҳосил бўлишидаги аҳамияти чексиз. Лекин бунга ўхшаш технологиялар инсоний муносабатлар соҳасида янги бўлиб, уларни кенг амалиётга жорий этишда халқнинг психологияси, унинг минг йиллар мобайнида шаклланиб, халқ онги ва хотирасида сақланиб, мустақкам ўрнашиб кетган анъаналар, расм-русумлар ва одатлар қаторида ўз ўрнини топишига алоқадор маҳаллий ҳамда миллий ўзига хосликни ҳисобга олиш зарур.

Ҳар қандай вазият ёки омил доирасида ҳам этнопсихологик ва ҳудудий ўзига хосликлар ҳисобга олинishi зарур. Бу ўринда шу нарса ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилиниши лозимки, ҳозирги даврда ўқитиш ва таълим-тарбия тизимининг барча жабҳаларида фаол социал психологик тайёргарлик усулларидадан фойдаланиш ва фойдаланилганда ҳам унинг энг самарали, миллат психологиясига мос услубларни кенг тарғиб этиш ва амалиётларда жорий этиш лозим. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда ҳам узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаол методлардан кенг қўламда фойдаланиш ўзининг самарасини бериши шубҳасиз. Зеро, бугунги кунда билимдонликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳам социал психологик билимдонликдир. Бу нарса, айниқса, катталар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни ўзгартириш борасида ўз аҳамиятига эга.

Ўйинга оид социал тренинг-бу инсонни мулоқотга ўргатиш учун бажариладиган ўйин машқлари ва ҳатти-ҳаракатлари тизимидир. Тренинг жараёни-бу ҳар бир ўйин машқида унинг раҳбари қандай установка беришидан иборатдир. Тренингнинг асосий мақсади - шахсни психологик (руҳий) жиҳатдан озод қилиш, унда табиий эркинликни ҳис этиши ҳамда ўз гуруҳида ва ундан ташқарида ўзаро муносабат ва алоқа ўрната олишни шакллантириш.

Тренингда унинг раҳбари ё тренер ёки дирижёр сифатида иштирок Тренинг мақсадини аниқ ва ниҳоятда тушунарли даражада тушунтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, бошқа кишиларни ёки ўзини ўзи тушунишга ўргатиш. Ўзгаларни ва ўзини ўзи ўрганиш, ўзига-ўзи баҳо беришни таъминлайди, бошқалар фикрини ўқий олиш ва уларни идрок қила олиш аҳамиятини тушунтиради.



Мулоқотда ўзини ўзи бошқаришга фикран эътиборни тўплашни амалга ошириш мақсадида тавсия қилинаётган схемага ролли ўйин ва мунозараларташқил этиш орқали тренинг вазифасини мураккаблаштириш мумкин

Тренинг 3 қисмдан ташқил топган бўлиб қуйидагилардан иборатдир.

1. Психофизиологик контакт ўрнатиш
2. Психологик контакт
3. Психодрамма

Ҳар бир иштирокчи ўзини ўйинга ва ўйин юзасидан импровизация қилишга (тайёргарлик бажаришга) тайёрлаши, руҳий жиҳатдан тайёрланмоғи даркор. Барча гуруҳ ўқувчилари психологик-педагогик консилиум ҳақидаги назарий билимларни, унинг аҳамияти ва мақсадини чуқур ўргангандан кейин улар билан ролли ўйин ўтказиш таклиф қилинади.

Шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, ИПТлар меҳнат жамоаларидаги социал ходимлар - психолог, социолог ва бошқаларнинг ҳам одатий ишларидан бирига айланиши, жойлардаги мутахассисларни психологик коррекция қилишда тренинглардан унумли фойдаланиш керак. Ана шундагина, мамлакатимизда демократик жараёнларга одамларни ва яхлит гуруҳларни тайёрлаш иши янада жадаллашади ва шарқона демократик тамойиллар ҳар бир шахснинг онги - шуурига айланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Андреева Г.М. Социальная психология учебник для Вузов. М. Аспект-Пресс, 2001-378с.)
2. Агеев В.С. Психология межгрупповых отношений. М., 1983.
3. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. Т. Маънавият. 1999 й.
4. Баротов Ш.Р. Психологик хизматнинг назарий ва амалий муаммолари. Бухоро, 2008.

### **ЎҚУВЧИЛАРДА ПСИХОЛОГИК ҲИССИЙ ЗЎРИКИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ**

*Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази катта ўқитувчиси. Нурмаматов А.Ш.*

Психологик адабиётларда берилган таърифларга кўра аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин бошдан кечирилишининг давомийлигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳис-туйғулар бошдан кечирилишнинг алоҳида шакли кучли ҳаяжонланиш ҳолатидан, ёки ҳиссий зўриқишдан иборатдир.

Ҳиссий зўриқиш ўқувчиларда хавф-хатар туғилганда, хафа бўлганда, уялиш ҳисси пайдо бўлганда, таҳликали ҳолатга тушганда ва шу каби вазиятларда рўй берадиган психологик жараён ҳисобланади. Ўқувчи ҳиссий зўриқишнинг юқори кўринишига ҳамиша ҳам эришавермайди, ўқувчининг кучли ҳаяжонланиш вақтидаги ҳолати хатти-ҳаракат ва нутқнинг бир хил вазиятларда бетартиб тарздаги фаоллиги намоён бўладиган, бошқа бир пайтда эса катъият билан ҳаракат қилиши керак бўлган ҳолатларда сусткашликка, фоолиятсизликка эрк бериладиган даражада издан чиқиши билан белгиланади. Аммо, шу билан бирга ҳиссий зўриқиш унчалик кучли бўлмаган пайтларда куч-ғайратларнинг сафарбар этилишига, инсон фаолиятнинг кучайтирилишига ёрдам бериши ҳам мумкин.

61	<b>ОНКОЛОГИК БЕМОРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МУҲИМ ЖИҲАТЛАР</b> <i>Уразбаева Д.А(УрДУ)</i>	153
62	<b>ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА КАСАЛЛИКНИНГ ИЧКИ МАНЗАРАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> <i>Уразбаева Д.А (Ур ДУ) Сабиров А.И (Ур ДУ)</i>	155
63	<b>АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ.</b> <i>Абдуллаева Р.М. (ТДИУ)</i>	157
64	<b>ИНСОННИНГ ОИЛАДА БАХТНИ ҲИС ҚИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ.</b> <i>Жўраева С.Н. (ТДАУ), Юнусходжаев З.Ш. (ТДПУ)</i>	161
65	<b>ПСИХОКОНСУЛЬТАЦИЯДА МИЖОЗДАГИ РУҲИЙ ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНИКАСINI ҚўЛЛАШ.</b> <i>Норбошева М.А. (ТерДУ)</i>	164
66	<b>ОНКОБЕМОРЛАРДА КАСАЛЛИККА ПСИХОЛОГИК РЕАКЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ўЗИГА ХОСЛИГИ</b> <i>Уразбаева Д.А (Ур ДУ) Рахимова А.М (Ур ДУ)</i>	167
67	<b>ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ - ЭРКИН ИЖОДИЙ ШАХСНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ВОСИТА.</b> <i>Жўраев Т.С. (Тер ДУ)</i>	169
68	<b>ўқитувчи фАОЛИЯТИДА УчРАЙДИГАН ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК қИЙИНЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ.</b> <i>Садриддинов С.Р. (А.Авлоний номидаги ХТТР ва МХҚТМОИ), Садриддинов С.Р. (ўз МУ)</i>	170
69	<b>ўСМИРЛАРНИ МУЛОҚОТГА ўРГАТИШДА ўЙИН ВА МАШҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.</b> <i>Худойкулова Г.Б. (Бух ДУ)</i>	172
70	<b>ўқувчиларДА ПСИХОЛОГИК ҲИССИЙ ЗўРИҚИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ.</b> <i>Нурмаматов А.Ш (Сурхондарё вилояти ХТХКТ ва МОҲМ)</i>	174
71	<b>ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ЖАРАёНИДА ПСИХОЛОГ ЭТИКАСИ.</b> <i>Қодирова А.Б., Дустанов П., Дostonов Ё.</i>	178
72	<b>KONSULTATIV PSIXOLOGIYA - PSIXOLOGIK XIZMAT TURI SIFATIDA.</b> <i>Qorayeva Yu.X (Ter DU)</i>	179
73	<b>ОММА ОНГИНИ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРЛАР ёРДАМИДА БОШҚАРИШ.</b> <i>Сатторова М.Д. (Тер ДУ)</i>	181
74	<b>АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГНИНГ ПАНДИМИЯ ДАВРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ.</b> <i>Алимова У.Р. (ўзХИА)</i>	183
75	<b>ПСИХОЛОГИК ТАШВИҚОТ ВА ТАРғИБОТ ИШЛАРИДА РЕКЛАМАНИНГ РОЛИ</b> <i>Қораева Ю.Х (Тер ДУ) ўралова Н (Тер ДУ)</i>	185
76	<b>О'SPIRINLARDA IJTIMOY BAG'RIKENGLIK OMILLARINING SHAKLLANISHI</b> <i>Sattorova M.D (Ter DU)</i>	187
77	<b>МУСТАқИЛ қАРОР қаБУЛ қИЛИШ МУАММОСИНINГ АМАЛИЙ –ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ</b> <i>Содиқова Г.О.(ўзХИА)</i>	189
78	<b>IJTIMOY PERSEPSIYA VA MULOQOT USLUBINING SHAKLLANISHI.</b> <i>Aminova D.O (Ter DU)</i>	191
79	<b>АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГНИНГ ПСИХОДИАГНОСТИК ФАОЛИЯТИ.</b> <i>Худойназарова Н.Ш. (Термиз шаҳар 9-мактаб)</i>	195
80	<b>МАКТАБ АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГИ ФАОЛИЯТИДА БИТИРУВЧИ ўқувчиларНИ КАСБ-ҳУНАРГА йўНАЛТИРИШ ИШЛАРИ</b> <i>Нормаматов Б (Термиз)</i>	197
81	<b>ШАХС ТЕМПЕРАМЕНТИНИ ўРГАНИШ МЕТОДИКАСИ ВА ТЕМПЕРАМЕНТ ФОРМУЛАСИ.</b> <i>Алимова Н. (ТерДУ)</i>	198
82	<b>Тўғри КАСБ ТАНЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ.</b> <i>Пардаева М. (Тер ДУ)</i>	201